

International scientific and practical online conference

INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES

Международная научно практическая online-конференция

ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ

2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available
at virtualconference.press

CONTENTS

LITERATURE

Asadov M – The motif of “Loneliness” in the work “the stranger”.....3

MEDICINE

Эрматов Н, Абдулхаков И. – Қанди диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиши рационада меваларнинг тутган ўрни ва ахамияти.....8

Насирдинов М., Эрматов Н. – Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларининг таъминланган даражасини таҳлили.....12

Сагдуллаева М., Эрматов Н, Бобомуродов Т - Муддатида ўтиб туфилган болалар оналари орасида касалланишнинг гигиеник таҳлили.....15

Эрматов Н, Насирдинов М. - Темир танқислик камқонлиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг қиш фаслида овқатланишини гигиеник таҳлили.....18

Эрматов Н, Насирдинов М - Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибини гигиеник таҳлили.....22

Садикова М.А. - Использование ларингеальной маски анестезиологическое обеспечение пациента с тяжелой шейно-грудинной рубцовой контрактурой....25

PEDAGOGY

Shamshiyeva S.A., Noraliyeva M.A. - Oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda rivojlanish markazlarining ahamiyati.....33

Yarashova N. J. Bolalarning lingvokognitiv taraqqiyotida o‘yinlarning ahamiyati..37

PHILOLOGY

Xudayberdiyeva O. - O‘zbek tilshunosligida gender tadqiqotlar.....43

PHILOSOPHY

Boltaev F.F. - Philosophical analysis of the problem of the origin of language.....46

GENERAL SCIENCE

Тахирова И. О переводе английской фразеологии на русский язык.....50

Kamalova D.K. Role of interpersonal skills in teaching English.....53

Abdumuminova O.A. Professional competence of primary education teacher as a condition for effective implementation of continuity between primary and basic school.....58

**ТЕМИР ТАНҚИСЛИК КАМҚОНЛИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН
ХАСТАЛАНГАН МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУНЛИК РАЦИОНИ
ТАРКИБИДА СУТ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНГАН
ДАРАЖАСИНИ ТАҲЛИЛИ**

МАВЛОНЖОН НАСИРДИНОВ

nasridinovmavlonjonfjsti@gmail.ru.+998912854503

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти таянч докторанти

Низом Эрматов

nizom.ermatov@tma.uz+99890917-18-70

Тошкент тиббиёт академияси

Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудири,
профессор

Резюме.

Назорат остига олинган 784 нафар, 481(61,3%) нафари ўғил ва 303 (38,7%) нафари қиз болаларнинг турли мавсумларида истеъмол қилаётган овқатланиши рациони таркибидаги сут маҳсулотларнинг таъминланганлик даражасини гигиеник таҳлил қилдик. ёғлилик даражаси 3,2%ли таббий сутни истеъмол даражаси қиш мавсумида 58,3%ни, баҳорда 51,6%ни, ёз мавсумида 58,3%ни, кузда 61,6%ни, қатиқ 43,3 дан 70,0%га, ёғлилиги 15 ва 30% қаймоқнинг истеъмол даражаси 60,0; 50,0; 70 ва 80%га, 82,5%ли ва 72,5%ли сариёғнинг истеъмол даражаси 40,0-53,3%ни, сузма 24,0-44,0%ни, пишлоқнинг истеъмол даражаси йил давомида 40-70,0%ни ташкил қилган. Бундай тартибда истеъмол қилинган сут ва сут маҳсулотлари мактаб ўқувчиларнинг таянч харакат тизимдаги ўзгаришлар билан биргаликда темир танқислик камқонлик касаллигини ривожланишига шароит яратади.

Калит сўзлар. мактаб ўқувчилари, темир танқислик камқонлик касаллиги, овқатланиш тартиби, сут ва сут маҳсулотлари

Муаммонинг долзарблиги ва зарурияти. Камқонликнинг этиологияси кўп омилли ва сабаблари кунлик рацион таркибида озика моддаларининг танқислиги, сурункали инфекциялар, қонинг ирсий касалликлари, семизлик ва сурункали юқумсиз касалликларни ўз ичига олади. Парҳез темир танқислиги

(ID), ирсий қон касалликлари (ўроқсимон хужайра анемияси, талассемия), безгак, анкилостома ва шистомоз зарарланиш камқонликнинг энг кўп учрайдиган сабаби бўлиб ҳисобланади. Камқонликнинг умумий тарқалганлигига ушбу омилларнинг қўшган ҳиссаси, аҳоли гуруҳи, минтақа ва атроф-муҳитнинг умумий шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ваҳоланки, темир танқислиги камқонлиги саломатлик учун жиддий оқибатларга эга бўлиб, кўплаб мамлакатлар инсонлари томонидан темирни ўзлаштирилиши ва талабни ошириш учун озикланишга сезгир ва/ёки овқатланишга йўналтирилган стратегияларни ишлаб чиқилган. Дастур ишлаб чиқувчилар камқонликни умумий улушини билишлари, потенциал ҳолатда мазкур аралашувнинг молиявий самарадорлиги ва таъсирини баҳолаш учун темир танқислик ҳолатини яхшилаш йўли билан ҳал этилиши мактаб ўқувчиларининг нутриентив статусининг бузилишга боғлиқлиги қатор илмий нашрларда ўз аксини топган.

Шунда келиб чиққан ҳолда аҳолини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва соғлом овқатланиш мезонларига риоя қилиш, кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш, сут таркибидаги кальцийнинг болалар ва ўсмирларнинг ўсиш ва ривожланишда олдини олиш ва касалликни ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини асослаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Темир танқислик қамқонлик касаллиги билан хастланган мактаб ўқувчиларнинг кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларининг таъминланган даражасини гигиеник баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари: Назорат остига олинган мактаб ўқувчиларнинг умумий сони 784 нафарни ташкил қилиб, улардан 481(61,3%) нафари ўғил ва 303 (38,7%) нафари қиз болаларни ташкил қилди. Фарғона вилоятининг қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган мактаб ўқувчиларнинг йилнинг турли мавсумларида истеъмол қилаётган овқатланиши рацион таркибидаги сут маҳсулотларнинг таъминланганлик даражасини гигиеник

таҳлил қилдик. Олинган натижалар Сан НваҚ 007-2020 ва Сан НваҚ 0017-2022 асосида солиштирилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Pentium-IV» процессори асосидаги шахсий компьютернинг амалий дастурий пакети Excel ёрдамида анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилди.

Олинган натижалар таҳлили. Мактаб ўқувчилари йилнинг барча фаслларидаги сут маҳсулотларидан ёғлилик даражаси 3,2%ли таббӣй сутнинг қиш мавсумида 58,3%ни, баҳорда 51,6%ни, ёз мавсумида 58,3%ни, кузда 61,6%ни ташкил қилди. Сут маҳсулотларидан қатикнии истеъмол тартиби аналогик тартибда 43,3 дан 70,0% таъминланган бўлса, ёғлилиги 15 ва 30% қаймоқнинг истеъмол даражаси 60,0; 50,0; 70 ва 80%га таъминланган. Мактаб ўқувчиларнинг кунлик рацион таркибида сариёғининг ўрни каттадир. Бу камқонликни олдини олишда энг асосий маҳсулотларнинг бирини ташкил қилади. Сариёғнинг 82,5%лилик даражаси ўрнига аксарият ҳолатларда 72,5%ли сариёғ ишлатилган ва унинг истеъмол даражаси 40,0-53,3%ни ташкил қилган. Сузманинг истеъмол даражаси қиш мавсумида 44,0%, баҳорда-24,0%ни, ёз мавсумида эса 26,0%ни, кузда-30%ни ташкил қилди. Пишлоқнинг истеъмол даражаси йил давомида 40-70,0%ни ташкил қилган.

Бундай тартибда истеъмол қилинган сут ва сут маҳсулотлари мактаб ўқувчиларнинг таянч ҳаракат тизимдаги ўзгаришлар билан биргаликда, турли этиологик, патогенетик жиҳатдаги камқонлик ва темир таниқслик камқонлик касаллигини ривожланишига шароит яратади.

Таъкидлашимиз жоизки, мактаб ўқувчилари орасида тартибсиз ташкиллаштирилган овқатланиш тартиби, уларнинг кунлик рацион таркибининг ўзгариши, сут маҳсулотларининг кескин камайганлиги, овқатланиш билан боғлиқ касалликлар сонини кескин ортиши, ишлаш қобилятининг пасайишига олиб келади. Бу борада тадқиот ишлари олиб борилмоқда.